*Шу азиз Ватан — барчамизники!*

# Ишонч

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси*

• 1995 йил, 21 апрель • 16 (210)

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОН Республикасининг Чимкент шаҳрида Узбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарларининг Олий даражадаги учрашуви булиб утди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев иштирок этди. Уч давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокараларда минтақадаги ҳар бир давлат ўз истиқлоли ва сиёсий мустақиллигини дадил мустаҳкамлаётганини таъкидладилар. Узаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш лозимлиги айтилди. Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Узбекистон давлатлари раҳбарлари Тожикистон бўйича баёнот қабул қилдилар.

УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти «Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини имзолади. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбар кадрлар бўғини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, Узбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилиш истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилди.

УЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонига кўра М. Ш. Шарифхўжаев Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори этиб тайинланди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси раиси вазифаларидан озод қилинди.

МАЪНАВИЙ ва жисмоний баркамол авлодларни тарбиялаш ҳамда бу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани амалга оширишда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Соғлом авлод учун» журналини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда 1995 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўзбек тилида ойлик илмий-тарбиявий, оммабоп, безакли «Соғлом авлод учун» журналини таъсис этиш кўрсатилган.

ШУ ЙИЛ 5 май куни бўладиган Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясини тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 22 нафар депутатдан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ана шу ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди ва вазифалар тақсимлаб олинди.

ВАЗИРЛАР Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида республиканинг истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш дастурини амалга оширувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда бу соҳада муайян ишлар қилингани, аҳолини товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшилангани, савдо маданияти бир мунча ошганлиги таъкидланди. Тармоқдаги айрим камчиликлар танқид қилинди.

Истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш иши мунтазам назоратга олинди.

УЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони билан Солиҳ Раҳимжонович Иноғомов Узбекистон Республикасининг Саудия Арабистони подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

УЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси меҳнаткашларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида 1995 йил 6 май шанба кунини 8 май душанбага кўчириш ҳақида қарор қабул қилди.

## ШОДИЁНА

Куни-кеча Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Наврўз ва Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган дастурхон ёзилди. Наврўз неъматлари — кўк сомса, пиёзли нонлар ҳид таратиб турибди. Сумалак, ҳалим ва ошлар тортилди.

Бу байрамга уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳулкар Жамолов йиғилганларни қўшалоқ байрам билан қутлади. Сўнгра ҳурматли фахрийлар ва касаба уюшмаси фаолларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгашининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шодиёнада республика Фахрийлар кенгаши раиси Бектош Раҳимов қатнашди.

Узбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ва иқтидорли санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар дилларга завқ бағишлади.

**Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.**



**Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув цехида ёшлар ўзларининг қизиққан касбларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

**Суратда: тўқув цехи ишлаб чиқариш мастери И. Жамилова, цех бошлиғи А. Мамажонов ва тўқувчи Р. Раҳмоновалар калава мустаҳкамлигини кўздан кечиришмоқда.**

**А. МИРЗАЖОНОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 мартда касаба уюшмаси фаоллари билан учрашувида билдирилган фикрлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг тадбирлари тўғрисида кенгаш раиси Ҳулкар Жамоловнинг ахбороти тингланди. Сўзга чиққанлар мазкур тадбирларни амалга ошириш касаба уюшмаларининг иқтисоди ривожланган мустақил давлат барпо этишга қўшадиган муносиб ҳиссаси бўлишини алоҳида таъкидладилар. Қабул қилинган қарорга мувофиқ барча касаба уюшма ташкилотларида мамлакатимиз Президентининг фаоллар билан учрашуви якунларини муҳокама қилиш, касаба уюшмаларининг XV қурултойи қарорларини бажариш юзасидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилган. Федерация кенгаши аъзо ташкилотларида касаба уюшмаларининг янги ҳаракат Дастури ва Низомини ўрганиб чиқишга оид тавсияларни тайёрлади.

Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда, маҳсулот сифатини оширишда, янги технологияни жорий этишда, меҳнаткашлар ҳуқуқини таъминлашда, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда ва бошқа масалаларда ҳокимиятга яқиндан ёрдам беришда касаба уюшмаларининг ролини ошириш, қонунлар, фармонлар, ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатишда касаба уюшмаларининг иштирок этиши муҳимдир. Бу борада республика касаба уюшмаси фаолларига услубий тавсияномалар тайёрлаш зарурдир. Қабул қилинган қарорда касаба уюшмалари ҳаёти, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ёритиш учун республика оммавий-ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланган.

Таркибий тизимни такомиллаштириш ва республика касаба уюшма ташкилотларида ягона молиявий интизомни ўрнатиш тўғрисида кенгаш раиси ўринбосари Тулқин Собитов ахборот берди. Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлажак мажлисида Федерация кенгаши таркибига кирувчи касаба уюшмаларини ислоҳ қилиш, ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласини кўриб чиқиш белгиланди.

Соғлом авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш Узбекистон касаба уюшмаларининг диққат марказида турибди. Болаларнинг ёзги соғломлаштириш масканларида бўлиши муддатларини белгилашда, уларнинг янги шароитга кўникиш даври ҳисобга олиниши керак. Раёсат ушбу масала юзасидан ҳам кечиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида Узбекистон касаба уюшмаларининг ўқув-методика марказини ташкил этиш тўғрисида, касаба уюшмаси раҳбарий кадрлари билан ишлаш тартиби тўғрисида, республика касаба уюшмаси 1994 йилги бюджетининг бажарилиши тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

## САЙЁРАМИЗ ОВОЗИ

Ливия раҳбари М. Каддафи ўз мамлакатига нисбатан эълон қилинган халқаро жазо чораларининг 3 йиллиги муносабати билан нутқ сўзлаб, халқини империалистларга қаршиликни давом эттиришга чақирди. Ливия пойтахти Триполида сўзлаган нутқида жаноб Каддафи ўз халқининг Ғарбга қарши курашга тайёр эканлигини билдирди. 1988 йили Локарнодаги тайёрани портлатишда айбланган 2 шахсни одил маҳкамага топширишга мажбур этиш мақсадида Ливияга қарши жазо чоралари БМТ томонидан эълон қилинган эди.

* * *

Япония бўйлаб ўтказилаётган махсус ҳаракатда 20 минг полициячи иштирок этмоқда. Мазкур амалий ҳаракат диний гуруҳ башорат этган улкан фалокатнинг олдини олишни кўзлайди. Токиода вертолётлар осмондан туриб йўл ҳаракатини кузатиш билан овора. Кўчалар ва метро бекатлари бўм-бўш бўлиб, йирик савдо марказлари ёпиқ қолмоқда. Би-Би-Си Токиодаги мухбирининг хабар беришича диний гуруҳнинг башорати рўёбга чиқмайдиганга ўхшайди.

* * *

Испания Канаданинг Шимолий Атлантикадаги испан балиқчи кемаларига қарши ҳаракатлар борасидаги огоҳлантиришларини писанд этмаслигини билдирди. Испания балиқчилик вазири Брюсселда бўлиб ўтган ва балиқ тутиш бўйича чеклашларни белгилашга бағишланган музокараларнинг барбод бўлишига Испания сабабчи эканлиги тўғрисидаги Канаданинг даъволарини ҳам рад этди.

* * *

Миср темир йўлининг кесишган жойида поезд билан автобуснинг тўқнашуви натижасида 40 киши ҳалок бўлган, яна 30 киши жароҳатланган. Автобус тўқимачилик корхонаси ишчиларини ишхонага олиб кетаётганди. Фожеа Қоҳира-Искандария темир йўлининг пойтахтдан 50км. шимолдаги кичик шаҳарча яқинида рўй берган.

***

Мўғулистоннинг Гоби саҳросида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олимлар биринчи марта гўштхўр динозаврнинг тошга айланган эмбрионини ва ўсимликхўр динозаврларнинг бир неча эмбрионини топишган. Бу гўштхўр динозаврлар 75-80 минг йил аввал яшаган бўлиб, бўйи тахминан 2 метр бўлган.

# ФОЙДА: УНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ОҚИЛОНА ИШЛАТИШ

**Абдуқодир ўғли АБДУСАДИР,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

## ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

**(Саккизинчи дарс — 1)**

Олдинги мақолаларимизда ишбилармонликнинг турлари тўғрисида фикр юритган эдик. Бу мақола фойданинг келиб чиқиш манбалари, уни кўпайтириш ва ишлатиш масалаларига бағишланади.

Айтайлик, оила ўз маблағи ҳисобига, ёки қарзга сармоя олиб, ёки ижарага мулк олиб, ёки шерикчилик қилиб ўзининг корхонасини очди дейлик. Корхона фермер хўжалиги ёки маҳсулот ишлаб чиқарадиган ёки хизмат кўрсатадиган, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган бўлиши мумкин. Даромад қандай иш билан шуғулланиб олинмасин, лекин ишбилармон эътибор бериб бажариши лозим бўлган қоидалар бор.

Ҳозирги кунда ишбилармонлик билан шуғулланиш осон кечмайди. Бу иш ҳар қанча қийин бўлмасин, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг мунтазам ўсиб боришини таъминлаш муҳим масала. Ҳар бир ишбилармон аввал бошдан маҳсулот ёки хизмат ҳажмини йилма-йил ўсиб боришига эришиши лозим. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига интилиш керак. Ўз йўлида юқори самарадорлик кўп миқдордаги маҳсулотни, иложи борича кам сарф-харажатлар ва юқори сифатли ишлаб чиқариш эвазига эришилади.

Бугунги кунда яна бир муҳим масала шундан иборатки, бунда ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг талабига мос келиши керак. Бу ўз навбатида пул-товар муносабатларини ривожлантириш бевосита иқтисодий манфаатдорлик билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Шу фикрни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, бозор иқтисоди шароитида ишбилармонлик пул-товар муносабати асосида амалга оширилади. Бунинг мазмуни шуки, ҳар қандай ишбилармонлик пулдан бошланади, пул товарга айланиб, яна пул шаклига киради. Мана шу босқичма-босқич ҳаракат бир давр айланиш деб, ҳар бир давр айланишида ишга тикилган сармоянинг миқдори ўсиб бориши керак. Бирламчи ишга тикилган сармоя қанча тез ўсса, иш шунча юқори самарали ва аксинча, секин ўсса, унинг самараси ҳам шунга яраша паст бўлади. Шунинг учун мавжуд талабни ўрганиб, энг юқори самара берадиган иш билан шуғулланиш керак.

Албатта, ҳар қандай ишбилармонликни ривожлантириш асосида манфаатдорлик ётади. Бунда нафақат сармоя эгасининг шахсий, балки унинг корхонасида ишлаётган меҳнаткашлар ва давлатнинг ҳам манфаатдорлиги бор. Шунинг учун ишбилармонликда ана шу учта манфаатдорлик мутаносиб равишда қониқтирилиши керак. Агар уларнинг биронтаси инкор қилинса, ишбилармонлик бундан жабр кўради. Барча томонлар манфаатдорлиги бир мақсадга бўйсиндирилиши керак. Агар давлат ўзининг, меҳнат аҳли ўзининг, корхона эгаси ўзининг манфаатини устун қўйса, улар ўртасида номақбул зиддият пайдо бўлади.

Энди ўз-ўзидан шундай савол туғиладики, қайси шаклда ва қайси ҳолатда у ёки бу манфаат устун қўйилиши мумкин ва бу ҳолда қандай оқибат вужудга келиши мумкин?

Айтайлик, давлат ўз манфаатини устун қўйди дейлик. Бу, аввало, солиқ турлари ва ўзларининг ставкаларида кўриниши мумкин. Бунда даромаднинг кўп қисми солиқ орқали бюджетга олиб қўйиладиган вазият бўлса, ишбилармон ўз фаолиятини тўхтатишга ёки ғайриқонуний иш қилишга ўтади. Бундан давлат ҳам, ишбилармон ҳам ютқазади.

Энди меҳнат аҳли ўз манфаатини устун қўйди дейлик. Бу, аввало меҳнат аҳли томонидан иш ҳақи ва тўланадиган мукофот миқдорининг оширилишини талаб қилишда кўрилади. Бу ҳол иш ҳақининг миқдори билан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари орасидаги мутаносибликнинг бузилишига, таннархнинг ўсиб, даромаднинг камайишига ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Бу ҳол давлат ва ишбилармоннинг манфаатларига путур етказади.

Учинчи ҳолни таҳлил қилайлик. Бу ҳол ишбилармон манфаатини юқори қўйилиши билан боғлиқ. Бунда маҳсулот таннархида иш ҳақининг улушини кам қилиб белгилаш, мукофотнинг миқдорини пасайтириш ва умуман даромаднинг кўп қисмини ишбилармон ўзига олишга интилади. Бу вазият, албатта, давлат ва меҳнат аҳли манфаатига путур етказади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, у ёки бу манфаат юқори қўйилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ҳар бир ишбилармон уччала томон манфаатини баробар кўриши ва адолатга таяниб иш олиб бориши яхши бўлади. Уччала манфаатни ҳисобга олиб иш юргизиш ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Буни ишбилармон рўёбга чиқариши керак ва унга ягона иқтисодий омиллар тизимини яратиш билан эришилади. Бу тизимда меҳнат натижаларига қараб ҳақ тўлаш, юқори кўрсаткичларни иқтисодий рағбатлантириш, солиқларни ўз вақтида тўлаш каби элементлар бўлиши керак. Даромаднинг узлуксиз ошишида давлат ҳам, меҳнат аҳли ҳам, ишбилармон ҳам баравар манфаатдор бўлишлари керак.

Фойда корхонанинг якуний фаолиятига баҳо берадиган кўрсаткич бўлиб, ундан моддий рағбатлантириш жамғармалари ва корхонани ривожлантириш учун керак бўлган маблағлар жамғарилади. Фойда орқали корхона меҳнат аҳлининг умумий даромадни оширишга бўлган иштиёқини рағбатлантириш мумкин.

Айнан фойда корхонанинг асосий иш мезони бўлиб, унинг ихтиёридаги заҳиралар самарали фойдаланишини ифодалайдиган кўрсаткич ҳамдир. Шунинг учун ҳар бир корхона бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқлари асосида бошқариш, меҳнатни ташкил қилишнинг энг замонавий усулларини қўллаб олиб боришдан, замонавий техника, технологияни қўллашдан манфаатдор бўлиши керак. Чунки меҳнатга ҳақ тўлаш корхонанинг молиявий имкониятига бевосита боғлиқ. Молиявий имконият ўз йўлида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми ва унга кетган сарф-харажатларга боғлиқ. Корхона меҳнат аҳли кўп ҳажмдаги маҳсулотнинг кам харажат билан ишлаб чиқарса, шунга яраша фойда ҳам кўп бўлиб, иш ҳақи ўсади.

Фойданинг ўсиб бориши давлатга ҳам, корхонага ҳам, ҳар бир меҳнаткашга ҳам манфаатдорлик келтиради.

Корхона ўз иқтисодий муносабатларини ўзаро иқтисодий манфаатдорлик қоидаси асосида амалга оширади. Ундан ташқари яна бир муҳим қоидага риоя қилиш керак. Бу қоида истеъмолчининг корхона маҳсулотига бўлган талаби. Истеъмолчининг барча талаб, истаклари ҳисобга олиниб, тўла қондирилиши керак. Чунки барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи истеъмолчи учун, унинг талабини қондириш учун ишлайди. Шу туфайли истеъмолчи билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларнинг талаб истакларини ўрганиб бориш, уларни тўла қондиришга ҳаракат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришда бир турли эмас, ҳар хил истеъмолчи дидига мос тушадиган турли хил маҳсулотни кўпайтириб ишлаб чиқаришга эътибор бериш керак. Агар иложи бўлса корхона маҳсулотини доимий истеъмол қилувчилар билан алоқа ўрнатиш керак. Буюртмалар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш яна ҳам мақбулроқдир.

Бозор иқтисоди шароитида ишбилармонлик билан шуғулланиш маълум қоидага асосланади. Бу қоидалар қуйидагилар: сарф-харажатларнинг даромад билан қопланиши, манфаатдорлик, масъулиятлилик, рағбатлантириш, ҳисоб-китоб ва назорат, мустақиллик, ўз-ўзини бошқариш, молия ва моддий заҳиралардан фойдаланишда ташаббускорлик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, фойдалилик, тўловчанлик имкониятига ҳар доим эга бўлиш.

Энди яна шу келтирилган қоидаларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтсак. Сарф-харажатларнинг даромад билан қопланиши деганда барча чиқимларнинг даромад билан тўла қопланиши тушунилади. Бозор иқтисоди шароитида зарар билан ишлаш мумкин эмас. Маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлашдан аввал ҳисоб-китоблар қилиб, маҳсулотни сотишдан тушган даромад барча харажатларни қопласа, уни ишлаб чиқариш керак. Мабодо қопламаса ундай маҳсулотни ишлаб чиқармаслик керак.

Агар маҳсулот ишлаб чиқарилиб сотилгач, зарар кўрилса уни ҳеч ким зиммасига олмайди. Кўрилган зарар корхона ҳисобидан қопланади. Бундай ҳол молиявий танглик ҳолатини келтириб чиқаради. Танглик келиб чиқмаслиги учун маҳсулотни кичик миқдорда чиқариб, унга тегишли нарх белгилаб сота бошлаш керак. Агар белгиланган нархда маҳсулот тез сотила бошланса, ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш мумкин. Сарф-харажатларнинг қопланиши бу маҳсулотни сотишдан тушган маблағнинг уни ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлардан юқори бўлиши тушунилади. Бу энг муҳим қоидалардан бири ҳисобланади.



# МУЛККА, МЕҲНАТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ЎЗГАРМОҚДА

*Самарқанд вилояти, Нуробод тумани ҳокими Тошбўри ҚИЛИЧЕВ билан суҳбат.*

**— Тошбўри ака! Туманларингиз чорвачилик тумани экан. Шунга қарамай, сизлар Ўзбекистон учун камёб саналган тоғ пистаси ва бодомчиликни ҳам кенг кўламда ривожлантирибсизлар. Суҳбатни шу соҳа юмушларидан бошласак.**

— Ўзингизга маълум, ҳудудимиз қир-адирлардан иборат. Бу ерлар шамолларнинг нақ ўртасида. Ота-боболаримиз шамол кучини қирқиш ниятида бу ерларга дарахтларни экиб кўрганлар. Бироқ, бирор дарахт шамоллар дамига дош беролмаган. Излана-излана охири тоғ пистаси билан бодом экишга қарор қилганлар.

Кейинчалик Усмон отанинг ташаббуси билан худди шу ерларда, яъни бир қанча сойларни бирлаштирадиган ерда Каттақўрғон сув омбори бунёд этилди. Манзара ўзгарди. Қирғоқларда намчилик кучайди. Ҳаво мўътадиллашди. Писта ва бодомчиликка ота-боболаримиз 1945 йили асос солишган. Шундан бери ҳар йили янги кўчатлар ўтқазилиб борилди. Бугунги кунда эса пистазор 3 минг гектарга, бодомзор эса 1000 гектарга етди. Пистадан 200 тоннага яқин, бодомдан эса 40 тоннага яқин ҳосил кўтарилади. Бу эса туманимиз хазинасига катта даромад келтирмоқда. Пистазор, бодомзорларни ҳозир ҳам кенгайтириб бораяпмиз.

**— Ҳозиргина Сиз, халқнинг мулкка, меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартиришимиз зарур дедингиз. Шу куннинг долзарб масаласи ҳам шу.**

— Биз узоқ йиллар умуммеҳнат, умуммулк деган тушунча билан нафас олиб келдик. Ер ҳам, мол-мулк ҳам давлатники деб қаралди. Эндиликда ер ўз эгасини топяпти. Мулкка, меҳнатга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Ҳозир туманимиз қарамоғида 615 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларга 40-50 гектардан ер бўлиб берилди. Фермер хўжаликларининг ер майдони 15 минг гектарга етди.

**— Сиз собиқ Иттифоқ даврида ҳам янглишмасам раҳбарлик — лавозимларида ишлаб келгансиз. Ўша кезги раҳбарлар фаолияти билан ҳозирги раҳбарлар фаолияти орасида бирон-бир тафовут сезиладими?**

— Сезилганда қандай. Буни ифодалашга сўз топилмайди. У пайтлар фақат буйруқбозлик бўларди. Ўз хоҳишингча бирор ташаббусга қўл уролмасдинг. Ҳозир эса раҳбарларга мутлақо эркинлик берилган. Ватан, халқ манфаатини ўйласанг, бутун борлиғинг билан берилиб ишласанг бас. Ўзингиз кўрдингиз, туманимиз ҳудудида газлаштирилмаган қишлоқлар оз қолди. Сув келмаган жойлар ҳам жуда кам. Қанчадан-қанча қўшма корхоналар қурилди. Халқ ўзи етиштирган маҳсулотдан тўла баҳраманд бўляпти. Одамларнинг хонадонларида моллар сони ортди.

Мустақиллик ҳар қандай ташаббусларга кенг йўл очиб берди. Қишлоқларнинг ҳаммасига тегирмонлар қурилди. Тегирмонларда одамлар ўз хўжаликларидан оладиган донларини бемалол унга айлантиряптилар. Ҳар бир хонадон кунжут экади, бу эса ёғ танқислигини анча юмшатади. Шу билан бирга нўхот ҳам экишади. Лаълми полиз экинлари катта қисмда экилади. Ҳар бир хонадон қишга қовун-тарвуз ғамлаб олади. Бу эса чўлликларнинг мевага бўлган эҳтиёжини қондиради.

Туманимиз ҳудудида 560 минг гектар ер мавжуд. 100 минг аҳоли истиқомат қилади. 50 минг гектар ғалла экиладиган еримиз бор. Йил ёмғирли келган кезлар 11-12 центнердан ҳосил кўтарамиз. Туманимизда 300 минг қўй-эчки, 2 минг от, 1 мингга яқин туя бор. Туманимиз давлатга 2500 тонна гўшт сотади. 1200 тонна сут топширамиз, 40 минг дона қоракўл тери оламиз.

Зиммамизга олган режаларимизни ҳар йили бажариб келаяпмиз. Жумладан, яна давлатга 500 тонна жун сотиш имконига ҳам эгамиз. Шунга яраша даромад ҳам ёмон эмас. Кейинги икки йил ичида 6 та янги мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Юқорида эслатганимдай 4 та хўжалик мутлақо газлаштирилиб бўлинди. Икки йил ичида 139 чақиримга газ қувури етқизилди. 210 чақиримга эса сув келтирилди.

**— Туманингиз ҳудудидан шифобахш сув ҳам чиқар экан.**

— Туманимиз ҳудудида Абу Али ибн Сино номли шифобахш сув билан даволайдиган вилоят ва Ўзбекистон касаба уюшмаси тасарруфидаги шифо маскани мавжуд. Юртимизнинг турли ерларидан беморлар келиб даволанишади. Бундан ташқари соҳилларда икки кишига мўлжалланган юзга яқин дам олиш уйлари қурилишларини ҳам бошлаб юбордик. Дастлабки уйлар битиш арафасида. Мазкур дам олиш уйларида истаган кишилар келиб дам олишлари мумкин. Булар туманимизга яхшигина даромад келтиради.

Бундан бир неча йиллар муқаддам биз туман меҳнаткашлари учун поликлиника билан шифохона қурилишига бел боғлаган эдик. Турли сабабларга кўра мазкур шифохона қурилиши орқага сурилиб келаётган эди. Шу йил 75 ўринли ушбу шифохонани ишга туширдик. Бунга туманимиздаги қазилма бойликлар бошқармаси яқиндан кўмаклашди. Янги қурилишларни қуришдан мақсадимиз — туманимиз халқини иш билан таъминлашдир. Шу маънода қоракўл терисидан аёллар учун пальтолар тикишни ҳам йўлга қўйдик. Худди шу ерда энди эркаклар учун қоракўл теридан телпак тикишни ҳам режалаштирдик. Умрининг ҳар бир лаҳзасини тергашга, уни самарали ишларга йўналтиришга зарурият туғилди. Шиддат билан ишламасликнинг асло иложи қолмади.

Тумандаги кўлами кенг ишларнинг равнақини кўриб ишбилармон ҳокимнинг фаровонлик йўлидаги сайъ-ҳаракатларига баракатлар тиладик.

**Суҳбатдош: Ў. ҲАКИМАЛИЕВ.**

# САДОҚАТ

## ЖИПСЛИКДА — ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

Республикамизда байналминал-жангчиларнинг илк жамоа ташкилотлари 1985 йилда тузилганди. Байналминалчи жангчиларнинг 1989 йилдаги конференцияси Ўзбекистон байналминал ва захирадаги жангчилар уюшмасига асос солди. Шу йили яна байналминал-жангчиларнинг бошқа бир гуруҳи — Афғондаги уруш фахрийлари иттифоқини ташкил этдилар. Бу икки жамоа ташкилоти 1993 йилгача мустақил фаолият кўрсатиб келди. Лекин кучларнинг бўлиниши кўплаб режаларни амалга оширишга имкон бермади. Миллий истиқлолимиз ғоялари ва Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатлари барча байналминал-жангчиларни бир ташкилотга бирлашишини тақозо этарди.

1993 йили декбарь ойида ҳар икки ташкилотнинг бирлаштирувчи қурултойи бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри делегациялари бир овоздан янги ва ягона жамоа ташкилоти — Узбекистон жангчи-фахрийлари бирлашмасини туздилар.

Бу ташкилот республика ҳудудидаги 64 мингдан зиёд жангчифахрийларни бирлаштириб турибди. Ҳар бир вилоят ва туманда фахрий жангчилар, ногирон ва ҳалок бўлганларнинг оилаларини ижтимоий, тиббий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва турли хайрия тадбирларини амалга ошириш билан шуғулланмоқдалар.

Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш юзасидан катта ишлар қилинди. Жангчи-фахрийлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Жумладан, улар мустақил Узбекистон Қуролли Кучлари учун йигитларни хизматга тайёрлашда фаол қатнашишяпти. Ватанпарварлик тўгаракларида чақирув ёшидаги йигитлар турли ҳарбий касбларни ўрганиб, армия сафига бориб қўшилмоқдалар. Байналминалчилар Қуролли Кучлар ногиронларини ҳам ўз оталиқларига олиб, уларга турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Узбекистон жангчи-фахрийлари бирлашмаси ўтиш даврида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш борасидаги хизматлари учун 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган.





Суратда: Ўзбекистон Республикаси жангчи-фахрийлар бирлашмаси раиси, захирадаги капитан Ботир Маҳмудов Н- бўлинма аскарларига қимматбаҳо совғалар топширмоқда.

А. ХУДЯКОВ олган суратлар.

## ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ



Бадахшон... Сен қандай тарихий номга эгасан? Минг-минг йиллардан бери кимлар сенинг чўққиларингни кўрмади? Ҳозир эса бошинг узра фақат ўқ товушлари эшитилади. Шу хаёлларни фикридан ўтказган Адҳам Кўкча дарёси бўйидаги ўзи командирлик қилаётган тўпчилар қароргоҳида посбонлик қилиб ўтирарди.

1983 йилнинг 31 март эрта тонгида ҳали уруш тажрибасини орттирмаган полк командири аскарларни полк майдонига сафлади. Теп-текис адирда жойлашган ерда аскар сафлаш ҳарбий одам учун катта хато эканлигини у кейин тушуниб етади. Аммо душманлар бу хатони кечирмайдилар.

Тезликда миномётни олиб чиқиб, яширин жойдан полкни ўққа тута бошлайдилар.

Адҳам бошчилигидаги тўпчилар биринчи бўлиб, душманлар жойлашган ерни кўриб қолдилар ва ўққа тутдилар. Бундан ғазабланган мужоҳидлар тўпчиларни лаънатлаб, уларга қарши бор кучни ташлайдилар, Ахир Адҳам бошчилигидаги жангчилар бутун полкни қутқариб қолишган эдилар-да. Жангнинг йигирманчи дақиқаси ўтиб борарди. Қолган тўпчилар ҳам шошилинч равишда Адҳамнинг гуруҳига ёрдам учун ўз жойларини эгаллай бошладилар. Лекин душманлар отган снарядлардан бири тўппа-тўғри Адҳам гуруҳининг устига келиб тушди.

1995 йил 30 март, мен Адҳамнинг оналари Роза опа Раҳимова билан Бадахшон вилоятининг Файзобод шаҳри ҳақида гаплашиб ўтирибмиз. Буни қаранг-ки Адҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлгандан 6 ой ўтгандан сўнг ҳаёт тақозоси билан мен ҳам шу ерларга жангга ташланганман. Бўлиб ўтган воқеаларни йигитларимиздан эшитиб, Адҳам ҳалок бўлган жойларни зиёрат қилганмиз. Роза опага шу ҳақда ва Бадахшон ҳақида кўп гапириб бераман. Улар ҳар ҳафта ишхонамизга келиб, юрак дардларини енгиллатиб кетадилар. Биз эса шу онахонларимиз учун уларнинг фарзандлари каби бўлиб қолганимиздан фахрланамиз.

**Б.МАҲМУДОВ,**
**«Қизил юлдуз» ордени кавалери, сапёр.**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Узбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси олижаноб мақсад — жангчи-фахрийлар, ногиронларни ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Бунда асосий эътиборни жангчи-фахрийларнинг турмушини ўрганиб бориш, уларнинг саломатликларини тиклаш, уй-жой маиший шароитларни яратиш, кам таъминланган жангчи-фахрийлар оилаларига имкониятлар даражасида моддий ва маънавий ёрдам беришга қаратяпмиз.

Амалга оширган муҳим тадбирларимиздан бири — ҳозирга қадар Республикамизда истиқомат қилувчи жангчи-фахрийлар, ногиронлар ва ҳалок бўлган жангчилар рўйхатлари тузиб чиқилди. Эндиликда уларнинг уй ва яшаш шароитлари, саломатликлари ҳақида аниқ маълумотлар тўпланмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан юргизилаётган кучли ижтимоий сиёсатдан қариялар, фахрийлар, ногиронлар ва кўп болали оилалар билан бирга биз байналминалчи-жангчилар ҳам кенг баҳраманд бўляпмиз. Чунончи, байналминал-жангчиларга улар яшаб турган уйни бепул хусусийлаштириб берилиши, квартира ҳақи, электр энергияси, газ ва сувдан фойдаланишда 50 фоизли имтиёзлар, шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш каби ғамхўрликларни таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ, албатта.

Бунинг учун биз Президентимиз ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Биз қаерда бўлмайлик мустақил давлатимиз олиб бораётган одилона сиёсатни доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Бирлашма Кенгаши, раёсати, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ўз низомида кўрсатилган вазифаларни бажара бориб, имкони борича байналминал-жангчиларнинг ҳар бирини эътибордан четда қолдирмаслик чораларини кўрмоқдалар. Бирлашмамизнинг моддий маблағи энди жамғарма бошланганига қарамай байналминал-жангчиларга, ногиронларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатила бошланди. Вилоят, шаҳар ва туман бўлимларимиз ҳам уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар.

**К. ҚАМБАРОВ,**
**Бирлашма ижтимоий-ҳуқуқий бўлими бошлиғи.**

## СПОРТ — БИРДАМЛИК

Бирлашмамиз уруш асоратларини йўқотишда спорт муҳим ўрин тутишини амалда кўрсатиб келмоқда. Ахир йигитларимизни тиббий ва спортга кенг жалб қилган ҳолда йиғилиб қолган ҳар хил салбий таассуротлардан озгина бўлса ҳам ҳалос қиламиз. Самарқанд, Тошкент ва Наманган шаҳарларида йирик мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Мана — март ойида бўлиб ўтган Республика Кенгаши мажлисида ҳам, тошкентлик байналминал-жангчиларининг футбол жамоаси тузиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Бу жамоа Узбекистон футболи мусобақаларининг иккинчи табақасида қатнашиш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Жамоага «Интер» номи берилди. Кенгашда нафақат Тошкентда истиқомат қилаётган байналминал-жангчиларни, қолаверса, асосий эътиборни вилоятлардаги фахрийларимизни спортга жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шуни эътиборга олган ҳолда бирлашма қошида фаолият кўрсатаётган «Анор» спорт клубининг бўлимларини қишлоқ ва шаҳарларимизда очишга қарор қилинди. Бу бўлимларда байналминалчилардан ташқари уларнинг фарзандлари, оила аъзолари ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишлари мумкин.

Бирлашма келажакда ўз спорт иншоотларини қуришни ҳам кўзда тутмоқда. Бу тиббий даволаш, байналминалчи жангчиларимиз ўзларини ҳамиша бардам сезишларига эришиш режаларини амалга ошириш учун зарурдир.

**З.АБДУЛЛАЕВ,**
**Футбол бўйича халқаро тоифадаги ҳаким.**

## «ФАРЁД ҚИЛМАҒАЙ»

«Отам!» деб йиғласа, йиғласин фарзанд,
«Онам!» деб йиғласа, йиғласин фарзанд,
Ота-она туриб, ўлмасин фарзанд,
Ҳеч кимса «болам!» деб фарёд қилмағай!
Қўнғиз ҳам боласин «оппоғим!» дейди,
Кирпи ҳам боласин «юмшоғим!» дейди,
Болани ёмони, ёти бўлмайди,
Ҳеч кимса «болам!» деб фарёд қилмагай!
Афғонни элинда ўқ отган кимлар,
Ҳақ-ноҳақ билолмай тош қотган кимлар,
Юзлаб боласини йўқотган элим.
Энди ҳеч «болам!» деб фарёд қилмағай.
Келажак бахтига тинч турсин дунё,
Фарзандлар заволни билмагай асло,
Шоир Жўшқин гар чекса жафо , аммо,
Ҳеч кимса «болам!» деб фарёд қилмагай!

**ЖЎШҚИН (Жуманазар ЖАББОРОВ).**

## КЎНГИЛ ГУЛДАН НОЗИК

Хотамжон 19 ёшида Афғонистон тупроғига қадам қўйди. Апрель инқилобини ҳимоя қилиш учун, Ватан топшириғини адо этиб, айни йигитлик чоғида қўлига қурол олди.

Марғилонда ишчи оиласида туғилиб ўсган бу йигит Фарғона минерал ўғитлари заводида қўли гул монтажчилардан бири эди. Хадичахон ая билан Омонжон тоға юзлаб шундай ота-оналар каби фарзандларига нон тишлатиб, унинг ой бориб, омон қайтишини тилаб қолавердилар...

Ушанда 1979 йил эди. Юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб, ўқ ёмғирлари-ю иссиқ-совуқ бўронларини енгиб хизмат қилган, курашган йигит мина портлашидан оғир яраланди. Шифохонада қанча ётганини билмайди, саксон биринчи йили ота-онаси ёнига қайтди.

Хотамжон Раҳмонов II гуруҳ ногирони. У ишламай уйда пенсияни олиб ўтиришни ўзига эп билмайди, ёш юрагида орзулари мўл. Хотамжон Ўзбекистон жангчи - фахрийлари бирлашмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси.

— Вилоятимизда афғон уруши қатнашчилари ва у ерда ҳалок бўлганларнинг оилалари кўп, — дейди Хотамжон. — Имкон қадар улардан хабар олиб, озми-кўпми ёрдам бериб турамиз. Афғонистон уруши ногиронлари вилоят 4-поликли-никасига, бепул дори олиш учун 4-дорихонага бириктирилган. Лекин Хотамжоннинг оғриқларига зарур бўлган дориларни кўпинча фақат тижоратдан топиш мумкин.

Бу гапларни менга Хотамжоннинг ўзи эмас, у билан бир хонада ўтириб ишлайдиган Ала Михайловна Корпухина ачиниб сўзлади. «Хотамжон меҳр-оқибатли, ишчан йигит, доимо йўлда, шаҳар-қишлоқларда юради, уч фарзанди, кекса ота-онаси бор», — деди Ала Михайловна.

Хотамжон эса ҳамкасбларини мақтайди:

— Бўлимимизнинг туманлардаги, шаҳарлардаги раислари Қўқонда Қодирали Мелибоев, Марғилонда Абдуфаттоҳ Воҳидов, Қувада Мирқобилжон Аҳмедов, Охунбобоев ва Ўзбекистон туманларида Моҳиржон Усмонов ва Муҳаммаджон Эргашев ва бошқалар жойлардаги ташкилотлар ёрдамида афғончилар ҳолидан хабар оляптилар, Тўйларини ўтказишга, ишга жойлаб, уй-жойларини яхшилашга улар камарбаста. Бу йигитлар ўзлари «афғончилар» бўлгани учун ҳам ҳол-аҳволни тушуниб, ёрдамга ошиқадилар. Масалан, Қувада афғончи йигитлар кино-театрларга бепул қўйилади. Марғилонда ҳар бир ҳайит, байрамларда афғончиларга совға берилади.

— Хотамжон, сизни, барча йигитларингизни Буюк Ғалаба байрами билан табриклайман. Хайрли саъй-ҳаракатларингиз баракали бўлсин. Бардам, соғлом бўлиб, сира чарчаманг. *

**Санъат МАҲМУДОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

